

Даже если мы будем утверждать, что в английском языке два падежа, но когда речь идет о местоимении, будет невозможным согласиться с этим, поскольку они склоняются в единственном и множественном числе в трех падежах, а также меняют свою форму исходя от падежа:

Именительный	Родительный	Винительный
I (я)	my (мой)	me (мне)
you (ты)	your (твой)	you (тебе)
he (он)	his (его)	him (ему)
she (она)	her (ее)	her (ей)
we (мы)	our (наш)	us (нам)
you (вы)	your (ваш)	you (вам)
they (они)	their (их)	them (им)

Как было сказано выше, смысл падежного окончания в английском языке не вытекает напрямую из его форм и во многих ситуациях передается последовательностью предложения. Подобный акт встречается и в каракалпакском языке, говоря точнее, это подобно скрытой родительной и скрытой винительной форме падежа в каракалпакском языке. Их особенность заключается в том, что слова, стоящий в этой форме, полностью связано со следующим словом, и их участие в предложении несет смысловой характер. Например: *Ақылсызлардың өмір жолы аспанға қарай тас (ты) атыұдан ибарат. Олар өз тасы өз (иниц) басына*

қайтып түсетуғынына ой жибермейди. (Путь дураков состоит киданием камней в небо. Они не догадываются, что этот камень может упасть на свою же голову. «Каракалпакнам» Т.Қайбергенов).

Подводя итог можно отметить, что падеж не только выражает ряд отношения существительного к другому слову, но и является словоизменительной категорией потому как суффикс выступает в качестве средства выражения категории падежа, нежели предлог категория падежа в каракалпакском языке в корне отличается от категории падежа в английском языке. В каракалпакском языке бывает 6 падежей, каждый из которых имеет определенную функцию и свои суффиксы, а в английском языке всего два – общий и притяжательный. Поскольку падежные окончания в английском языке передаются посредством предлогов и неизменного расположения слов в предложении, не затрагивая начальную корневую форму слова, данная категория анализируется с помощью семантического подхода, тогда как в каракалпакский язык при содействии формального подхода.

Эти различия в значении и инструментов обозначения падежей может вызвать сложность при изучении вышеуказанного языка а также при попытке выразиться учащимися каракалпакской аудиторией.

Литература

1. Кобрин Н.А., Болдырев Н.Н., Худяков А.А. «Теоретическая грамматика современного английского языка», учебное пособие – Москва: 2007.
2. Блох М.Я. «Теоретическая грамматика английского языка», - Москва: 1983.
3. Бекбергенов А. «Рус хам каракалпак тиллериниң салыстырма грамматикасы». –Нөкис: 1995.
4. Dawletov A., Dawletov M., Qudaybergenov M. «Házirgi qaraqalpaq ádebiy tili». -Nókis: 2010.
5. Вдовица В.Н., Нечепуренко М.Ю. «Категория падежа в русском и английском языках в синхронном аспекте», Международный студенческий научный вестник. 2015. № 5-1.
6. www.engblog.ru

РЕЗЮМЕ

Мақола инглиз ва қарақалпақ тилларида келишик туркумига бағишланган. Мақолада ўрганилаётган тилларнинг тил тизимининг хусусиятлари муҳокама қилинади. Иш турли тиллардаги қийсий таҳлилга асосланиб, муаллифлар инглиз тилида келишик масаласи бироз мунозарали эканлигини таъкидлашади. Бугунга қадар ҳол категорияси ҳақида бир неча зид доғмалар илгари сурилган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящается вопросам категории падежа в английском и каракалпакском языке. В работе рассматриваются особенности языковой системы изучаемых языков. На основе сопоставительного анализа падежа в разно-системных языках, авторы подчёркивает тот факт, что в английском языке вопрос падежа несколько спорно. До сегодняшнего дня были выдвинуты несколько противоречивых догматики о категории падежа.

SUMMARY

The article deals with questions of the category of the case in the English and Karakalpak language. The paper discusses the features of the language system of the investigated languages. Based on a comparative analysis of the case in different system languages, the authors emphasize the fact that in English the case is somewhat controversial. To this day, several contradictory dogmas about the category of case have been put forward.

ЖАНУБИЙ ОРОЛБҮЙИ ЎЗБЕК ШЕВАЛАРИ ЛЕКСИКАСИДАГИ АЙРИМ СЎЗЛАРНИНГ ЭТИМОЛОГИК ТАЛҚИНИ

Ю.М.Ибрагимов - филология фанлари доктори, профессор
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: луғат, изоҳли луғат, этимологик маълумот, ибора, ўзлашма сўз, манба, тил.

Ключевые слова: словарь, толковый словарь, этимологическое сведение, выражение, собственные слова, исходный язык.

Key words: dictionary, explanatory dictionary, etymological information, phrase, assimilation word, source language.

Ўзбек адабий тили ва халқ шеваларига сўз ўзлашиш жараёнида маъноси кескин ёки сезиларли даражада ўзгарган ёки янги маъно касб этган ўзлашма луғавий бирликларни аниқлашда изоҳли луғатларнинг ўрни бе-ниҳоят каттадир. Изоҳли луғатга киритилган ҳар бир сўз ёки термин бош сўз ҳисобланиб, бош сўз ва унга тегишли материаллар алоҳида луғат мақоласини ташкил этади. Сўзларни этимологик талқин этишдан асосий мақсад муайян сўзнинг қачон, қайси тилда, қандай сўз ясалиш қолиби бўйича, қайси тил материали асосида, қандай шаклда ва қандай маъно билан ҳосил бўлганлигини аниқлаш демак. Этимологик талқин билан боғлиқ бундай масалалар бевосита муайян сўзнинг нега шундай шаклда эканлиги, унинг қандай юзага келганлиги ёки қайси тилга мансублиги, манба тилдаги маъносининг ўзлаштирувчи тилда кенгайиши ёки то-

райиши ёйинки, тамоман бошқа маънога алмашилиши каби муаммолар, нафақат, филологларни, балки бошқа мутахассисларни ҳам қизиқтириб, ўйлантириб қўяди. Шу боисдан Сўзлар этимологиясини белгилашнинг нисбатан қийин ва бирмунча осон томонлари ҳам мавжуд. Масалан, Махмуд Қошғарий даврида «бир турли мис» маъносида қўлланган *чозин* «чўзин» сўзининг қачон ва қандай қилиб ҳозирги «чўян» ҳолатига келиб қолганини ёки қарғанинг турларини ифодаловчи *чумуқ*, *чумчуқ* *чумгуқ* [1:387]. Сўзларининг қайси вақтдан бери ҳозирги «чумчуқ» маъносига эга бўлганини аниқлаш учун бир неча шева маълумотларига, кўпгина ёзма манбаларга, изоҳли луғатларга мурожаат қилиш, тарихан содир бўлган фонетик ҳамда лексик-семантик, грамматик ўзгаришларни таққослаш ва чуқур таҳлил этишга тўғри келади.

Чунки муайян бир тил (масалан, ўзбек тили) учун ўзлашма ҳисобланган сўзларнинг дастлабки, бирламчи этимологиясини аниқлаш унчалик қийин эмас. Чунки ҳозирги ўзбек тилида қўлланилиб келаётган *мақтаб*, *қалам*, *қандил* ва *иқлим* сўзларининг ўзбек тилига араб тилидан, араб тилига эса ўз навбатида юнон тилидан ўзлашганини, уларнинг юнон тилдаги дастлабки маъноси ва шаклини аниқлаш учун араб ва юнон тилларига тааллуқли луғатларни таққослаш, ушбу сўзларнинг тиллараро «саёҳати»ни кузатиш, манба тилга оид ёзма ёдгорликларини синчиклаб таҳлил этиш натижасида амалга ошади.

Худди шунингдек, тилимизда жуда қадимий, эски замонлардан бери маъносида ишлатиладиган *дақёнус* (*даққиюнус*)дан қолган; *алмисоқдан қолган* каби иборалар таркибидаги *дақёнус* (*даққиюнус*), *мисоқ* (*алмисоқ*) сўзлари этимологиясини, яъни уларнинг қайси тилга мансублиги ва манба тилда қандай маъно англатишини осонгина аниқлаш мумкин. Бироқ мазкур ибораларнинг нега айнан шу шаклларда қўлланилишини, нега қадимийлигини ифодалашини, яъни ибораларнинг этимологиясини аниқлашда динлар тарихидан, Қуръони каримнинг ўнлаб сураларидан, хусусан, «Каҳф», «Ғор» сурасидан, Рим империяси тарихидан яхши хабардор бўлиш талаб қилинади.

Биринчи ибора Қуръони каримнинг «Каҳф» сурасида зотим император Дакёнус, яъни қадимги Рим императори Диоклетанинг Шарқ халқлари ўртасидаги номининг зулмидан қочиб, Оллоҳга бўлган имон-этиқодларини сақлаб қолиш мақсадида ғорга яширинган ёш йигитлар (уларнинг нечта эканлиги – 3 та, 5 та ёки 7 та эканлиги ёлғиз оллоҳга маълум) ва уларга эргашган бир итнинг Оллоҳнинг хоҳиш-иродаси билан ғорда 309 йил ухлаб ётганлиги ва уйқудан уйғонган йигитлар учун бу муддат куннинг бир қисмидек туюлгани, оч қолган йигитлардан бири таом келтириш учун ўз замонасининг пули билан шаҳарга боргани ҳикоя қилинади. Йигитнинг қўлидаги пулни кўрган шаҳарликлар (вақт ўтиши билан улар ҳам имонга келган эканлар). «Ие, бу пул Дакёнус замонидан қолган пул-ку!», - деб ҳайратга тушадилар. Демак, иборанинг келиб чиқиш тарихи ҳам, ўзи билдирган маъно каби узоқ тарихга эга.

Шу боисдан, ўзбек тилининг беш жилдди изоҳли луғатида *алмисоқ* сўзи берилиб, унинг манба тили(араб тили)даги асл маъноси – *аҳд*, *қасам*, *шартнома*, *битим* кабилар этимологик маълумот тарзида таъкидланган. Шундан кейин «*алмисоқдан бери ёки бўён*» ва «*алмисоқдан қолган*» иборалари қайд этилган. Иккинчи изоҳдаги «*дақёнусдан қолган*» бирикмаси иборалар этимологиясига бир қадар ойдинликлар киритилса ҳам, айни шу ибора нега шу шаклда ва ўша маънода ишлатилиши кўшимча изоҳ талаб қилади. Бунинг учун яна Қуръони карим сураларига мурожаат этиш жоиз «Бақар», «Ол-Имрон», «Нисо», «Моид», «Аъроф», «Анфол», «Раъд» каби сураларда турли грамматик шаклларда 30 мартага яқин ишлатилган *алмисоқ* (*мисоқ*) сўзи мазкур сураларда тааллуқли турда *аҳд*, *битим*, *шартнома*, *иттифоқ* ва *онт*. *қасам* сингари маъноларда қўлланган [5:24]. Булар Оллоҳ билан Бани Исроил қавми ўртасидаги, Оллоҳ билан насоролар ўртасидаги, Оллоҳ билан пайғамбарлар: Нуҳ алайҳиссалом, Иброҳим алайҳиссалом, Мусо алайҳиссалом ва Исо алайҳиссалом ўртасидаги аҳдлашув ва битимлар, қавмлари, халқаро шартномалар, ўзаро иттифоқлар ва бошқалардир. Муҳимки, бу *аҳдлашув*, *битим*, *шартнома*, *иттифоқ* ва *онтлар*, *мисоқлар* жуда қадим замонларда, яъни Исроилга бўлган даврларда Қуръони карим сураларида батафсил баён этилган. Шу сабабдан бўлса керак, жуда қадимдан мавжуд бўлган, ниҳоятда эскирган нарс-буюмлар ва воқеа-ҳодисаларга нисбатан уларнинг ҳолатини тасвирлашда халқимиз *алмисоқдан*

бери, *алмисоқдан қолган* ибораларини кўп қўллайдилар.

Маълумки, этимологик маълумот эса, ўзбек тилига қариндош бўлмаган нотуркий тиллардан ўзлашган сўзларга ўзбек тилининг икки жилдди ва беш жилдди изоҳли луғатларида бош сўзларга этимологик изоҳ берилади. Изоҳли луғатларда хорижий сўз(атама)нинг қайси тилга қарашли эканлиги шартли қисқартмалар воситасида кўрсатилади. Масалан: *а* – арабча, *ф* – форсча, *ф-т* – форс-тожикча, *р* – русча, *лот.* лотинча, *юн.* юнонча, *ингл.* инглизча ва бошқалар. Масалан:

ВЕЛОСИПЕД (*фр.* *velocipede* < *лот.* *velox* - тез + *pedis* – оёқ).

ҲАДИС (*а* – сўз, *суҳбат*, *ҳикоя*, *ривоят*).

ҲАЗАЛ (*а.- хотин-қизларнинг кўнглини олиш, эркалаш, лирик шеър*).

ТИЛОВАТ (*а* – (овоз чиқариб) ўқиш, ўқиб чиқиш) [15, 2005].

Агар сўз таркибий қисмларидан, мустақил маъноли сўзлардан ташкил топган бўлса, янги луғатда бу ҳолат ҳам қайд этилган:

АККРЕДИТАЦИЯ аккредитлаш (лот, *akkredo* – ишонмоқ, ишонч билдирмоқ).

АНТОЛОГИЯ (юн. *anthologia* < *anthos* - гул+ *legos* – териш: гуллар дастаси).

Агар сўзнинг таркибий қисмларидан бири (масалан, препозитив термин элемент) ёки ҳар иккала қисми алоҳида луғат мақоласи сифатида этимологик маълумот берилган бўлса, бу ҳолат ҳам луғатда тегишлича акс эттирилган. Масалан: АРТРОЛОГИЯ (юн. *arthro(n)* – бўғим+*logos* - таълим, фан).

АРТЕРИОСКЛЕРОЗ (артерия + юн. *sclerosis* – қотиб қолиш).

ГУЛИСУМБИЛ (гул+сумбул)[14,15].

Бир сўз ясалиш асосидан ҳосил қилинган ясама сўзларга этимологик маълумот берилмайди. Фақат сўз ясалишига асос бўлган сўзгагина этимологик маълумот берилади. Масалан, *анархия*, *анархизм*, *анархист*, *анархистик* *анархиячи* сўзларидан фақат *анархия* сўзига ёки *дидактизм*, *дидактик*, *дидактика* сўзларидан фақат *дидактика* сўзига этимологик маълумот берилади.

Шуниси аёнки, Европа тилларига тааллуқли жуда кўп сўзлар ўзбек тилига рус тили орқали ўтган. Ўзбек тилининг икки жилдди изоҳли луғатида ҳам муайян ўзлашма сўзга этимология белгилашда, у сўз қайси тилга мансуб бўлишидан қатъий назар, уни рус тили орқали ўзлашганлигига, охириги манба рус тилига ишора қилинган: (*р* < *грек*, *р* < *лат*, *р* < *ингл*. *р* < *фр*. тарзида). Масалан, АМФИТЕАТР (*р* < *грек*. *amphitheatron* – икки томонлама томоша): 1. Қадимги Юнон ва Римда оммавий томошалар, театр спектакллар кўрсатадиган маҳобатли бино; 2. Томоша зали (театр, цирк)даги ёки аудиториядаги ярим доира шаклида қия кўтарилиб борувчи ўриндиклар.

Лекин беш жилдди изоҳли луғатда бундай усул қўлланилмай, сўзнинг қайси тилга мансублиги кўрсатилган. Чунки этимологик маълумотда сўзнинг қайси тил орқали ўзлашгани эмас, балки бу сўзнинг қайси тилга мансублиги изоҳланади. Шу боисдан ушбу сўзларнинг этимологияси янги луғатда қуйидагича берилади:

АМПУЛА (лот. *ampula* - бўғини тор, қорни катта, қўшқулоқли шиша ёки сопол идиш) [14].

Этимологик маълумотларда сўзларнинг келиб чиқишини белгилашда ўтган асрнинг иккинчи ярмидан то ҳозирги кунгача нашр этилган икки тилли луғатлардан (арабча-русча, русча-арабча, арабча-ўзбекча, ўзбекча-арабча, форсча-русча, русча-форсча, форсча-ўзбекча, ўзбекча-форсча, лотинча-русча, инглизча-русча, французча-русча, немисча-русча, ҳиндча-русча, мўғулча-русча ва б.) хорижий сўзлар луғатларидан

[8:386;1869:384], тожик тилининг изоҳли луғатидан [11:1969], зарур ҳолларда эса эски ўзбек адабий тили бўйича турли даврларда тузилган луғатлардан [1:1868;1869] фойдаланилади ва барча ўзлашма сўзларга имкон қадар этимологик маълумот берилди.

Беш жилдли изоҳли луғатда сўз ва терминларга бериладиган этимологик маълумотларда манба тиллардаги сўзларнинг бошқа тилларга ўхшашишида кишини хайрон қолдирадиган даражада маъно ўзгаришларига учрагани кузатилди. Масалан, юнон тилидаги *аптека* (apotheke) сўзи дастлаб «омбор, қазнок» маъносини англатган. Кейинчалик мазкур атама тилдан тилга ўтиш жараёнида (юнон>лотин> рус>ўзбек) янги – *дори омбори, дори хона* маъносига эга бўлган. Француз тилидан рус тили орқали ўзбек тилига ўзлашган *арсенал* сўзи эса аслида арабча сўз бўлиб, манба тилда *дорус-санда* шаклида ва қархона «*ишхона, қорхона*» маъносида ишлатилган. Ёки ҳарбийлар ётиб даволанадиган жой маъносига лотинча *госпиталь (hospitalis)* атамаси илк бор «мехмондўст» маъносига ишлатилган. Луғатни varaқлаган ўқувчилар, *банан, банк, банкрот, велосипед, вермишель, врач, газета, галактика, гимн, граната, кафедра, дежур, зенит, магазин* каби кўплаб байналмилал сўзларнинг тилдан тилга ўтишида қанчалик маъно ўзгаришларига учраганини уларга берилган этимологик маълумотлардан билиб оладилар.

Янги изоҳли луғатни мутолаа қилган, ундан фойдаланган китобхонлар бир неча ўнлаб сўз ва атамаларнинг атоқли отлар (антропоним ва топонимлар)дан ҳосил бўлганини билиб олишадилар. Борди-ю, мактаб ўқувчилари, олий ўқув юрти талабалари ўқув дастурига кирган фанларни ўрганиш борасида *ампер, бессемер, ватт, вольт, галвани(к), дальтанализм, дарвинизм, пастерлаш, рентген, цельсий* каби терминлар ва ўнлаб кимёвий элементлар номларининг келиб чиқиш манбаи атоқли отлар эканини яхши билсалар ҳам ўқувчилар билан бир қаторда кенг китобхон оммаси луғатни мутолаа қилиш натижасида *академия, бадминтон, банорас, батист, бойкот, браунинг, бруцеллёз, ватман, венерология, вокзал, вулкан, габбро, гайморит, галифе, гобелен, гигиена, дизель, далоит, ироқи (совун), канифоль, коньяк, лампочка, лимузин, луттибоз, макинтош, маузер, мельхиор, никотин, олимпиада, патефон, пломбер, регби, реглан, тоифи(узум)* каби сўз ва терминларнинг ҳам атоқли отлар асосида содир бўлганини тушуниб етадилар.

Араб тилидан ўзлашган сўзлар маъносига ҳам кўплаб ўзгаришлар содир бўлган. Масалан, *басир* сўзи манба тилда, яъни араб тилида *кўриш қобилияти яхши, нарсаларни яхши фарқловчи, ўтқир зеҳни* маъноларини билдирса [2:], ҳозирги ўзбек тили ва шеваларида умумистеъмолда *яхши кўра олмайдиган, кўр* маъноларини билдиради. (Ҳозирги кунда ҳам айрим ота-оналарнинг ўз фарзандларига «*Басир*», «*Басира*» деб исм қўйишлари уларнинг араб тилидан, шу сўзнинг дастлабки ижобий маъносидан яхши хабардорлигини англатади. Ёки яна бир арабча сўз – *касал* сўзи манба тилида *дангасалик, дангаса, ишқмас* маъноларида ишлатилса, ҳозирги ўзбек адабий тили ва шеваларида «*бемор, бетоб, хаста*», «*ишкастланган*» маъноларида қўлланади.

Шунингдек, икки жилдли изоҳли луғатда *эхром* сўзи кўп маънолидир.

ЭХРОМ а - 1 эск. айн . пирамида 1,2.

2. Пирамида шаклидаги *бино, иншоот*.

3. дин [14;15] Мазкур сўзнинг келиб чиқиши юзасидан кузатишлар эса, унинг кўп маъноли битта сўз эмас, балки ўзаро омоним бўлган иккита сўз эканлигидан дарак беради: араб тилида сўз таркибидаги *х* товуши (ҳарфи)нинг икки хил (хои хутти - *х* ва хои ҳавваз - *ҳ*) ёзилиши ушбу сўзнинг манба тилда шаклан ва талаффуз жиҳатдан тамоман бир-бирига ўхшамаган иккита сўз эканлигини кўр сатади. Бу ҳолат янги изоҳли

луғатда ўз ифодасини топган:

ЭХРОМ 1 (а – мусулмонларнинг ҳаж даврида мукаддас ҳудудга кириши ва эҳром қийиши: 1. Маккага ҳаж сафарига отланган кишиларнинг маълум вақт давомида айрим нарсалардан фойдаланишдан (мас., *атир сепиш, соқол-мўйлов, тирноқ олиш*)дан ўзини тийиш [14;15].

Ўзбек тилига ўзлашиш жараёнида маъноси кескин ёки сезиларли даражада ўзгарган ёки янги маъно касб этган арабча сўзлар қаторига яна *аёл, азамат, азан, айюҳаннос, арава, ароқ, аския, асфаласофилин, ашаддий, ақалли, ақида, баёз, башара, бақбақа, бидъат, бисот, важдоҳат, ирқ, касофат, куптаякум, лаҳм, нафосат, пийсабилло, тиловат* каби форсча сўзлар қаторига эса *абгор, абзал, астойдил, бадбин, боқиманда, дарбадар, дардисар, зимистон, худбин* каби жуда кўп луғавий бирликлар кириб, ўзлашиб, сингишиб кетган. Шу билан бирга шеваларда юқорида қайд этилган сўзларнинг кўпи фонетик, лексик-семантик ўзгаришларга дуч келган.

Шунингдек, араб тилида кўплик шаклида бўлган бир қанча сўзларнинг ҳозирги ўзбек адабий тили ва унинг шеваларида кўплик маъносига эмас, балки бирлик маъносига қўлланаётганини ҳам изоҳли луғатдаги этимологик маълумотлардан аён. Биргина *А* ҳарфи билан бошланадиган бундай сўзлар 20 дан зиёд. Асосан, *авлиё* (бирлиги *валий*), *авлод* (бирлиги – *валад*), *айём* (бирлиги – *йавм*), *алвон* (бирлиги – *лавн*), *анҳор* (бирлиги – *наҳр*), *арбооб* (бирлиги – *рабб*), *арваҳ* (*руҳ*), *асбоб* (бирлиги – *сабаб*), *аския:азкиё* (бирлиги – *закий*), *ахлат* (бирлиги – *хилт*), *ашё* (бирлиги – *шайъ*), *аъзо* (бирлиги – *уза*) каби сўзлар ҳозирги ўзбек тили ва шеваларида бирлик сондаги сўз сифатида тушунилади ва айни маънода қўлланади ёки умуман қўлланмайди.

Аниқ бир тилда ёки шеваларида қўлланиб келаётган ўзлашма сўз ва атамаларга этимологик маълумот бериш ниҳоятда мураккаб ва қийин иш. Масалан, *форс* ва тожик тиллари бўйича яратилган луғатларда *қўшк* сўзи шу тилларнинг ўз сўзи тарзида ифода этилган, яъни ушбу луғатларда *қўшк* сўзининг бошқа бир тилга тегишлилиги, бирор тилдан кириб келганлиги тўғрисида ҳеч қандай ишора йўқ. Юқорида зикр қилинган чет тиллар сўзлари луғатларида ҳам бу сўз форсча деб кўрсатилган. Шуларнинг таъсирида бўлса керак, икки жилдли изоҳли луғатда ҳам *қўшк* форс-тожикча сўз сифатида тавсифланади. Беш жилдли изоҳли луғатда эса мазкур сўз иккиланиш билан туркий-форсий деб қайд этилган. Бироқ М.Фасмернинг «Рус тилининг этимологик луғати»да *киоск* сўзига берилган этимологик тавсифда у турк(ий)ча деб изоҳланган: «Киоск тўғридан-тўғри туркча *коук* «Павильон»дан эмас, балки немисча *Kiosk* ёки французча *kiosque* сўзидан ўзлаштирилган [13:15]. Турк тили бўйича яратилган луғатларда ҳам ушбу сўз форсча деб берилмаган. Шунингдек, Махмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит турки»да *қўшк* (*ёпиш, бекитиш, ёпинчик*) сўзи ва у билан боғлиқ (*соя ер, қўланқали ер*) бирикмаси ҳам учрайди [4:1960:187,44,66]. Бизнингча, бу ҳолат *қўшк* сўзининг этимологиясини аниқлашда шошилмасликни, ушбу сўз тарихини ўтмишда яратилган ёзма ёдгорликлар тили асосида синчиклаб ўганиш лозим. ЖОБЎШда *қўшк* (*қўшк*) сўзи қадимда бадавлат кишиларни тахтадан замбар ясаб, тепасига соябон қилиб тўрт ёки олти киши кўтариб юрадиган замбил. Ёки подшоҳлар ёки қизлари ўтирадиган *қўшк* тахти равон.

Ўзбек тилида шарқ ва араб тилларидан ўзлашган, ўзлашиш жараёнида маъноси кескин ўзгарган юқоридаги сўзлар янги беш жилдли изоҳли луғатда уларга анчагина тегишли равишда зарурий этимологик изоҳлар берилган.

Айни юқоридаги ҳолат *аш* (ош) сўзининг этимологиясида ҳам кузатилади. Мазкур сўз ҳам форс ва тожик

тиллари юзасидан яратилган луғатларда ушбу тилларнинг ўз сўзи сифатида қаралади ҳамда унинг ўзга тилга мансуб эканлигига биронта ишора йўқ. Шу нукта назардан қараганда, ўша луғатларда мазкур сўзнинг муносабатдошлари *ошпаз*, *ошпазхона*, *ошхона* сўзлари ҳам қайд этилган. Шунинг таъсири остида аввал икки жилдди, сўнг беш жилдди изоҳли луғатда *ош* сўзи форсча сўз сифатида таъкидланган. Лекин туркий манбаларга мувожаат қилинганда, бунинг акси бўлиб чиқади. Махмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк» асарида *ош* сўзи ва у билан муносабатдош бошқа талайгина сўзлар келтирилган. Масалан, *ашу*/a:u – озик-овқат. *ош*, *таом*, *овқат*; *ашатти* – *ош* егизди, *ошатни*; *ашлиқ* 11 – ошхона; *ашлақ* – дастурхон; *ашич* – қозон; *ашад* – овқат, ош ейишни истади; *ашсамми* – ош ейишга иштаха қўзғатди [5:1967:29-30,35]. Шунингдек, К.К.Юдахиннинг «Қирғизча-русча луғати»да [М., 1965], катта ҳажмли «Туркча-русча луғат»да (М., 1977:79) ҳам *ош* сўзининг форсча эканига ҳеч бир ишора йўқ, яъни

мазкур луғатларда *ош* сўзи туркий сўз сифатида талкин этилади.

Чунончи, изоҳли луғатда юқорида талкин этилган *қўшқ*, *ош* сўзлари ва бошқа уларга ўхшаш баъзи сўзларга берилган шубҳали этимологик маълумотларга аниқлик киритиш учун тааллуқли манбаларни синчковлик билан ҳар томонлама тадқиқ этиш зарур. Изоҳли луғатларнинг кейинги нашрларида бундай ноаниқликлар бартараф этилиб, ишонарли этимологик маълумотлар талкинга тортилиши мақсадга мувофиқ. Ўзбек тили ва унинг шеваларидп *қўшқ* ва *ош* лексемаларининг фаол қўлланилиши туркий тиллар фойдасига ҳал бўлади.

Хуллас, сўзларни этимологик таҳлил қилишдан асосий мақсад муайян тил луғат таркибининг шаклланиш манбалари ва жараёнини ўрганиш ҳамда тилнинг қадимги давр луғат таркиби. сўзнинг қачон, қайси тилда, қандай сўз ясаиш қолипи бўйича, қайси тил материали асосида, қандай шаклда, қандай маънода ҳосил бўлганини қайта тиклашдан иборат.

Адабиётлар

1. «Абушка» луғатайн. (В.В.Вельяминов-Зернов нашри). СПб. –С.1851.1148.
2. Баранов Х.К. Арабско-русский словарь.-М.: Гос. изд – во иностр. словарей.1977, -С.1186.
3. Головин Б.И. Введение в языкознание.- М.: 1956, -С.487.
4. Қошғарий Махмуд. Девону луғатит турк. Уч томлик I-том. -Т.: «Фан».1960, 386,387, 466-б.
5. Қошғарий Махмуд. Девону луғатит турк. Индекс-луғат. -Т.: 1967.29-30.35-б.
6. Ислон. Энциклопедия. -Тошкент: «Фан». 2004, 24-б.
7. Лингвистический энциклопедический словарь. -М.:1990. –С.596.
8. Реформатский А.А. Введение в языковедение. -М.: 1988. -С.107.
9. Содиков А., Абдуазизов А., Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. -Т.:«Ўқитувчи». 1951. 110-б.
10. Фаранги забони тожик. Ибрат аз ду жилд. -М.: 1960, 253-б.
11. Фасмер М. Этимологический словарь русского языка в 4-х томах.Т. II.М.Впл. FY СССР. 1967.-С.235.
13. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. -Тошкент: «Фан». 2002, 136 - б.
14. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томли. I-том. -М.: «Русский язык».1981, 632-б.
15. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилд. -Тошкент: 2008, 693-б.

Мақолада ўзбек тили икки ва беш тилли изоҳли луғатларида европа, араб, форс-тожик ва бошқа эроний, мўғул, ҳинд-дравид тилларидан ўзлашган айрим ўзлашма сўзларнинг ўзбек тили икки ва беш жилдди изоҳли луғатларида акс этиши, манба тилларда маълум даражада фонетик, грамматик ва лексик-семантик ўзгаришларга учраганликлари, зарур ўринларда эски ўзбек адабий тили бўйича турли даврларда тузилган луғатларга киёс қилинди.

РЕЗЮМЕ

РЕЗЮМЕ

В статье проанализированы узбекские, двуязычные и пятиязычные толковые словари на европейском, арабском, персидско-таджикском и других иранских языках, заимствованные из монгольского, индо-дравидийского языков, отражение некоторых заимствованных слов в двух - и пятиязычных, в толковых словарях узбекского языка в той или иной мере были фонетические, грамматические и лексико-семантические изменения от исходного языка, что даёт возможность с этимологической точки зрения, сопоставить словари староузбекского литературного языка разных периодов.

SUMMARY

In the article was analyzed Uzbek, bilingual and five-language explanatory dictionaries in European, Arabic, Persian-Tajik and other Iranian languages learned from the Mongol, Indo-Dravidian languages, reflection of some borrowed words in two- and five-volume explanatory dictionaries of Uzbek language to some extent of phonetic, grammatical and lexical-semantic changes in source languages where necessary from an etymological point of view by comparing dictionaries of the old Uzbek literary language compiled at different times.

QARAQALPAQ TILINDE AYÍRÍM MUZÍKALÍQ ÁSBAP ATAMALARÍNÍN LEKSIKA-SEMANTIKALÍQ ÓZGESHELIKLERI

A.Qarasaev – magistrant

Berdaq atındaǵı Qaraqalpaq mámleketlik universiteti

Tayanch so'zlar: qo'biz, dutor, g'ijjak, do'mbira, surnay, karnay, shinqo'biz, sibizg'a, doira, dabl, baraban.

Ключевые слова: кобыз, дутар, гирджек, домбыра, сырнай, куурай, шын кобыз, сыбызгы, дап, дабыл, барабан.

Key words: kobyzy, dutar, girjek, dombra, surnay, kurnay, shyn kobyzy, sybyzgy, dap, dabyly, baraban.

Qaraqalpaq tiliniń leksikasında eski qatlamlardıń biri sanalǵan muzikalıq atamalarǵı izertlew terminler hám olardıń leksika-grammatikalıq ózgesheliklerin anıqlawda oǵada áhmiyetli. Sebebi, bul arqalı, birinshiden, qaraqalpaq xalqınıń áyyemnen kórkem ónerge bay xalıq ekenligi jáne bir ret dálillense, ekinshiden, tildin sırtqı jollar arqalı rawajlanıw basqıshların biliwge xızmet etedi.

Muzikalıq ásbaplarǵa baylanıslı atamalar hárqanday tildin muzikalıq terminologiyasında úlken orın tutadı. Tariyxshı ilimpazlardın tastıyqlawınsha, muzikalıq ásbaplar eń áyyemgi dáwirlerde payda bolǵan. Olardıń kelip shıǵıwı, qurılısı, dawıs ózgeshelikleri haqqında erteden ilimiy miynetlerde ayıtladı [7].

Qaraqalpaq tilinde muzikalıq ásbaplardı “saz ásbapları” dep te ataydı. Mine, usı saz ásbaplarınıń tariyxıy derekleri boyınsha bahalı maǵlıwmatlar R.L.Sadokov [9],

T.Adambaeva [1], A.Nadirova [8] hám D.Allanazarov [3] sıyaqlı ilimpazlardın miynetlerinde ushırasadı. Olarda qaraqalpaq xalıq saz ásbaplarınıń toparlarǵa bóliniwı, ses shıǵarıw usılları, olardıń bir-birinen ayırmasılıǵı haqqında aytpı ótilgen.

Muzikalıq ásbaplarǵa baylanıslı atamalarǵı lingvistikalıq jaqtan izertlew sońǵı dáwirlerde qolǵa alınbaqta. Qaraqalpaq til biliminde muzikalıq terminologiya, sonıń ishinde muzikalıq ásbaplarǵa baylanıslı atamalar A.Saburovanıń “Qaraqalpaq tilindegi muzika terminleri” miynetinde arnawlı túrde izertlendi [11]. Onda muzikalıq ásbaplar hám olardıń bóleklerine baylanıslı atamalarǵa bir bólim ajratılıp, olardıń kelip shıǵıw tariyxı, leksika-semantikalıq ózgeshelikleri haqqında maǵlıwmat beriledi.

Qaraqalpaq tilinde muzikalıq ásbaplardıń atamaları ózine tán leksika-semantikalıq ózgesheliklerge iye. Olardıń